


Бугун Қумқўрғон тумани ҳокимлиги мажлислар залида Қумқўрғон тумани сектор раҳбарлари ҳамда ҳокимликнинг раҳбар ва ходимлари учун Экспресс-тренинг бўлиб ўтди.



Куннинг иккинчи ярмида Сурхондарё вилояти иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Ж.Ўрозов томонидан “Худудларда давлат инвестиция дастурларини шакллантириш ва молиялаштириш масалалари тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги Сурхондарё вилояти филиали инсон ресурслари ва кадрлар салоҳиятини ривожлантириш бўлими бош инспектори Н.Х.Мўминов томонидан “Инсон ресурсларини бошқаришнинг замонавий ёндашувлари” мавзусида тренинг машғулотлари давом этди.

Семинар иштирокчилари томонидан ўзларини қизиқтирган саволларга тренерлар томонидан атрофлича жавоб берилиб, ходимлар учун фойдали маълумотларга бой бўлганлигини алоҳида такидлаш жоиз.